

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ” ЙЎНАЛИШИ**

**“МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини
ташқил этиш ва бошқариш” кафедраси мудири
Шодиев Хамза Холикулович

Такризчилар: **Жанубий Корея Республикаси Конгук**
университети профессори, PhD Kim In Og

ЎДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини
ташқил этиш ва бошқариш” кафедраси
профессори, с.ф.д.
Бекмуродов Мансур Бобомуродович

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг 2017 йил _____даги ____-сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ	39
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	Ошибка! Закладка не определена.
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	47
VII. ГЛОССАРИЙ	48
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	Ошибка! Закладка не определена.

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича назарий, амалий ва мустақил таълим машғулотларини ташкил этиш, менежментнинг асосий қонунлари ва ташкил этиш, бошқарувга оид фанларни ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини, бошқарувга оид фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини, рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини, рангтасвирда анъанавий ва замонавий услубларни, рангтасвир кўринишларини, тасвирий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни ўрганиш каби маълумотлар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;

- умумкасбий ва ихтисослик блоки фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

– маданият соҳасида давлат сиёсати;

– Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларнинг моҳияти ва мазмуни;

– Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари);

– маданий-маърифий муассасаларининг турлари ҳамда маданият ва санъат муассасаларининг номенклатураси;

– аҳолининг маданий дам олишини ташкил этиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– қишлоқ аҳолисига маданий хизматни ташкил этишни;

– шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш орасидаги фарқларни йўқотиш чораларини;

– шаҳар, туман аҳолисига дам олиш хизматини ташкил этишни;

– ихтисослаштирилган илмий–амалий-услубий марказларини ташкил этишни, маданият тизимида нодавлат секторларни ривожлантириш сиёсатини, ижодий жамоалар хизматини ташкил этишни, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини;

– хорижий давлатларда маданият, хорижий давлатларда энг кўп тарқалган санъат жанрларига характеристика, маданият ва санъат структураси, бюджети, вазифалари ҳамда унинг жаҳон бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини, илмий-ижодий тадқиқотларни ривожлантиришни;

– маданият ва санъат тизимида кадрларни тайёрлаш сиёсатини, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, сертификатлаш, лицензиялаш ва аккредитациялашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– маданият ва санъат муассасалари фаолиятини таҳлил этиш ва сифатини назорат қилиш;

– илмий-ижодий тадқиқотларга асосланган ҳолда таҳлил қилиш, маданият сиёсатида илмий-амалий тадқиқотларга асосланган тўғри қарорларни қабул қилиш;

маданият ва санъат тизимидаги турли дам олиш муассасаларининг ишини таҳлил қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак**

Тингловчи:

маданият соҳасида давлат сиёсати;

Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларнинг моҳияти ва мазмуни;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини;
- мутахассисликда анъанавий ва замонавий услубларни;
- мутахассислик фанларида муаммоли технологияларни;
- мутахассислик фанларини ўқитишда инновацияларни;
- маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

маданият соҳасида давлат сиёсати;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини билиш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини ўрганиб чиқиш;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини билиш;
- мутахассисликда анъанавий ва замонавий услубларни билиш;
- мутахассислик фанларида муаммоли технологияларни ишлаб чиқиш;
- ихтисослаштирилган илмий–амалий-услубий марказларини ташкил этишни, маданият тизимида нодавлат секторларни ривожлантириш сиёсатини, иждодий жамоалар хизматини ташкил этишни, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини;

• хорижий давлатларда маданият, хорижий давлатларда энг кўп тарқалган санъат жанрларига характеристика, маданият ва санъат структураси, бюджети, вазифалари ҳамда унинг жаҳон бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини, илмий-ижодий тадқиқотларни ривожлантиришни;

• маданият ва санъат тизимига кадрларни тайёрлаш сиёсатини, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, сертификатлаш, лицензиялаш ва аккредитациялашни билиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

маданият соҳасида давлат сиёсати;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясидан фойдаланиш;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини амалда қўллаш;
- мутахассислик йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишда иждодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- мутахассисликка оид асарлардан замонавий усулларда фойдалана олиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- мутахассислик фанларини ўқитишда янги ғоялар устида ишлаш;
- мутахассислик бўйича иждодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;
- Маданият ва санъат соҳаси кадрларида эстетик жиҳатлар ва бадиий дидни ривожлантириш;
- Мутахассислик фанларини ўқитиш услубларини иждодий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” курси маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, бир бор мавзу асосида назарий кўрсатмалар ва кўргазмали тасвирий воситалар, амалий ишланмаларни бажариш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Маданият ва санъат соҳасининг илмий-назарий асослари” ва “Арт менежмент” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар маданият ва санъат соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими, мутахассислик фанларини ўқитишда янги ғоялар устида ишлаш, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёнининг тузилмаси, машғулот турлари, шакллари, фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар. фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услугий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиётини ижодий ривожлантиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				назарий	амалий машғулот	
1.	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёнининг тузилмаси, машғулот турлари, шакллари. Фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.	2	2	2		
2.	Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.	2	2		2	
3.	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш санъати фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.	2	2	2		
4.	Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил	4	2		2	

	этиш.Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.				2	
5	Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.	2	2		2	
6	Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.	2	2		2	
Жами:14 соат		14	12	4	8	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёни.

Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.

2-мавзу: Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш санъати фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Маданият ва санъат соҳасида менежмент фаолиятида ғарб ва шарқ тажрибалари. Маданият ва санъат соҳасида маркетинг.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув кўлланмалардан фойдаланиш методикаси.

2-амалий машғулот: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

3-амалий машғулот: Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

4-амалий машғулот: Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);


- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли

аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Услубий кўрсатма тайёрлаш. (Мутахассислик бирон бир фани бўйича силлабуси тайёрланади)	1.25	0.75 балл
2.	Мустақил иш (силлабус бўйича плакатлар ва кўргазмали курол, слайдлар) ташкил қилинади		0.5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгил.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (5-7 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;

муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яқка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Кейс. Маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида ташкил этилган бадиий хаваскорлик тўғараги (Вокал чолғу ансамбли) тарқаб кетмоқда.

«ФСМУ» методи

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)*
- 2. Вокал чолғу ансамбли қатнашчиларининг қизиқишларини шакллантиришда раҳбар маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)*

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрам томошаларининг гояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;


➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
----------	--------	--------	--------

“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			


Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.



Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш

мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёни.

Режа

1.1. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёнининг тузилмаси.

1.2. Машғулот турлари, шакллари.

1.3. Фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.

Таянч иборалар: Маданият ва санъат муассасалари, маъруза, семинар, амалий машғулот, якка машғулот, мустақил таълим, инновация, гуруҳли,

академ соат, тажриба, кўникма, билим, фан, мавзу, мазмун, технология, педагогик

1.1. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш таълим жараёнининг тузилмаси.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувида, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янги фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир»¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августи қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар таёрлаш Миллий дастури» да фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Албатта, мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган маданий хизмат хусусиятлари ва ҳажми, хизмат турларининг ўзига хос томонлари билан белгиланади. Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини бошқариш соҳасидаги кўпгина вазифаларни муассасалар раҳбарлари бажарадилар. Санъатнинг турли жанрлари бўйича фаолиятни амалга ошириши лозим бўлган мустақил (театр, музей, санъат саройлари, концерт ташкилотлари, маданият марказлари ва х.) таркибий бўлинмалар мавжуд.

2017 йил 15 февраль ПФ-4956-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада

¹ И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. - Т.: «Ўзбекистон», 1995, 22-бет.

²И. А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатнинг модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 13-бет.

такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими, маданият бошқарув тизимини такомиллаштириш, маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилди ва бу тизимни тубдан ислоҳ қилинмоқда. Маданият вазирлиги янги тизими шакллантирилди. Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини такомиллаштириш учун Ўзбекистондаги ва хорижий мамлакатлар маданият ва санъат муассасалари тажрибасини умумлаштириш, аҳолига маданий хизматни замонавий тарзда ташкиллаштира оладиган мутахассисларни тайёрлаш, яъни кадрлар билан таъминлаш, уларнинг самарали ишлашини, касбий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишини шакллантиришга имкон беради. Фармонда маданият ва санъат соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш бўйича мутасадди олий таълим муассасаларига –“маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавий руҳида такомиллаштириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибалардан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

-давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш”-вазифалари қўйилди. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш асосан маданият ва санъат олий таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига тушади. Айниқса маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб борадиган, ижодкорлик, ижрочилик, ташкилотчилик ва маънавий-маърифий, тарғибот ишлари ташкилотчиси мутахассисларини

тайёрлайдиган таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ижодий жамоалар бошқарув тизимини шакллантириш, санъат дарғаларидан иборат жамоани бошқариш учун раҳбардан қобилият, билим, тафаккур, ташкилотчилик ва бошқарувчанлик хислатлари талаб қилинади. Ижодкорлар яъни маданият ва санъат соҳасига ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари фаолиятини бошқариш тизими, раҳбарликнинг поғонавийлигини таъминлаш алоҳида ёндошув, маҳорат, фазилат талаб қилади. Унинг тузилиши учун асос сифатида фан томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётда синовдан ўтган қоида ва усуллардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси ушбу «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» таълим йўналиши ва “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” магистратура мутахассислигида таҳсил оладиган кадрлар салоҳиятида ўз ифодасини топган.

“Мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий – иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, такомил маънавий маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий – тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди”, - деб ёзади Республикамиз биринчи Президенти И. А. Каримов. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда янги маънавий –маърифий муассаларининг шаклланиши замонавий маданият санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасини кенгайтирган ҳолда, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. 2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу даврда барпо этилган йирик маданият ва санъат муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари ва бошқа дам олиш марказлари мамлакат аҳолисининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маданий дам олишларини ташкил этиш имкониятлари яратилмоқда. Шундай замонавий ташкил эҳтилаётган маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкиллаштира оладиган

малакали кадрларни тайёрлаш жараёни, яъни ўқитиш жараёнини замонавий талаб даражасида ташкил этиш бош вазифамиздир.

1.2.Машғулот турлари, шакллари.

“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” таълим жараёнини “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши ДТС, ўқув режаси ва фан дастурларига асосан ташкил этилади. 2014-2015 йилларда “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши ва “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” магистратура мутахассислиги учун ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режасининг 3- умумқасбий фанлар, 4- ихтисослик ва 5-қўшимча фанлар блокларида киритилган фанлар мутахассислик фанлари ҳисобланади. Ўқув режасидаги 1-блок фанлари ижтимоий–гуманитар фанлар -23%, 2-блок фанлари математик ва табиий фанлар – 9,5% ни ташкил этади. Иккала блок фанларининг умумий ҳажми 32-33% ни ташкил этади.

Ўқув режасида белгиланган фанларнинг 63-70% ни мутахассислик фанлари ташкил этади. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, соҳа бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашда асосий рол ўйнайди.

Мутахассислик фанларини таълим жараёнига тадбиқ этишда буларни ўқув режа блоклари бўйича жойлашиши, узвийлиги, кетма-кетлиги, мазмунан бир-бирига боғликлиги ва бир-бирини тўлдирувчи жиҳатларини таҳлил қилиш ва ўрганиб чиқиш лозим.

Маданият ва санъат соҳаси фаолиятини замонавий тарзда ташкил этиш ва бошқариш бўйича кадрлар тайёрлашда, асосан муассасаларнинг фаолияти жараёнида аста қота диган, зарур назарий ва амалий билимларни бериш ДТС ва малакавий талабларда кўрсатиб ўтилган. Маданият ва санъат соҳаси ташкилотчи ходими адабиёт, санъат ва маданият фанларининг назарий, тарихий жиҳатларини ўрганиши касб талаби ҳисобланади. Шунинг учун умумқасбий фанлар блокида Жаҳон ва ўзбек адабиёти, театр тарихи, мусиқа тарихи, тасвирий ва амалий санъат тарихи, маданият тарихи ва халқаро маданий алоқалар каби фанлар кетма-кетликда талабаларнинг

соҳа бўйича тарихий, назарий билимларга эга бўлишни таъминловчи фанларни ўзлаштирадilar. Бу фанлар мутахассислик фанларини тўлдирувчи фанлар бўлиб энг асосий аҳамият касб этади.

Асосан мутахассислик фанлари соҳанинг тарихий –илмий назарий асосларига оид фанлар билан биринчи босқич бошланади.

Маданий ҳордиқ назарияси ва амалиёти. Бу фан 1-2 курсларда 4 семестр давомида ўқитилади. Шу билан биргаликда Маданият ва санъат соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш фани 1-8 семестрларда ўқитилади. Бўлажак маданият ходимлари доимий иш фаолияти давомида аҳоли билан мулоқотда бўлишида нутқ асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун 1 курсдан нутқ маданият фани ўқитилади. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида маданият ва санъат муассасалари ходимларининг энг асосий фаолияти маданий тадбирларни ташкиллаштиришдир. Шу соҳа билим ва кўникмасини эгаллаши учун театр-томоша тадбирларини ташкил этиш , лойиҳалаштириш ва режалаштириш фани кўл келади. Ҳар қандай фаолият тўғри лойиҳа ва режалаштириш билан амалга оширилади. Бу фанни ўқитишда 3та босқич инобатга олинishi керак. 1-лойиҳалаштириш, 2-режалаштириш ва 3- ташкил этиш жараёнлари ўқитиш тизимида ташкиллаштирилади. Шу жараённинг тўла таъминоти учун маданият ва санъат соҳасининг молиявий ҳисобини талабаларга тўлиқ ўргатиш лозим. Агар замонавий мутахассис молиялаштириш ва иқтисодий тизимни тушунмаси иш жараёнида доимий муаммоли вазият юзага келиш эҳтимоли бўлади. Юқори босқичда маданият ва санъат соҳаси фаолияти аҳолининг регионал хусусиятлари, эҳтиёжлари асосида ташкиллаштириш учун худуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинishi шарт. Хоразм, Бухоро, фарғона-Тошкент ва Сурхондарё, Қашқадарё худудларининг урф одатлари, анъаналари ва санъати, ижро усулларида ўзи хослик англанади.

1.3.Фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.

1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирлари томонидан Болония декларацияси имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган.

Европа талабалари кенгаши (11 миллион талаба 37 давлатдан) 2001 йил Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат фаолиятиини ўз зиммасига олди ва 2 йил давомида талабаларнинг фикрларини ўрганади. Албатта қарама-қарши фикрлар кўп бўлган. Ижобий жиҳатлари ва камчиликлар аниқланган. 2005 йил ушбу жараённи танқидий ўрганишга кирилишган ва “Черная Книга Болонского процесса” деган маълумотномани тақдим этилди. Унда кредит тизимини самарасига ва магистратурада ўқиш учун катта маблағ талаб этилаётгани, талаларга етарли даражада эркинлик берилмаётганлиги ва ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганлиги ҳақида ёзилган.

Ижобий жиҳатлари:

1. Баллония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. Талаблар билан алмашиш кенгаяди.
2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгаяди.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

Модулли технологиялар- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий

қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалнинг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча **хусусиятларни ажратиш мумкин:**

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;

- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзунини ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмалар материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.
5. Блок. Чуқурлашиб боровчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.
6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.
8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- ◎ Модуллик
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- ◎ Фаолиятлик
- ◎ Мослашувчанлик (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модул турлари:

- ◎ Назарий модуллар (Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

- ◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).
- ◎ Технологик ёки аралаш модуллар (назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

2.1. Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модулларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компетентлигини аниқловчи критерийларни куйидаги категорияларга бўлиш мумкин

* Инструментал компетенциялар:

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умуий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

*Комуникатив компетентлик:

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

***Тизимли компентентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўроитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги².

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модуларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

1.Модул спецификацияси-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1.1.Модулнинг номи. Модуларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

1.2.Ўқитишнинг мақсади. Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида

²Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.

қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёрғаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

1.3.Ўқитиш натижалари. Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

1. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.

1.1. **Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

1.2. **Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чимқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

1.3. **Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

1.4. **Ўқув жараёнини давомийлиги.** Давомийлик Ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.

1.5. Баҳолаш. Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

1.6. Модулнинг тушунтириш хати. Ушбу хат тавсиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Ўқув материали.

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли , лўнда ва кўргазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб боришек масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

Модулни таркибий қисмлари:

1. Модульни номи.
2. Модульни ўзлаштиришдан мақсад.
3. Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.
5. Семинар, амалий ва лабаратория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.

6. Жорий назорат топшириқлари.
7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.
8. Ёзма назорат вариантлари.
9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.
10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир³.

Адабиётлар рўйхати

1. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
2. Селевко С.Современные образовательные технологии,Москва.1998.-75-90 с.
3. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
4. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
5. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар", М. 1999.
6. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
7. Ермолаева Е.И.Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.
8. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с
9. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системк вкшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера.// Вкшее образование в России. №-4,1993, с119.
- 10.Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервк оптимизации // Новке знания.-2000.-№ 3.
- 11.Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульнкх курсов // Новке знания.-2000.-№2.

³ Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

2-мавзу: Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш санъати фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.
Режа

1. Бошқарувнинг турли хорижий мактаблари классификацияси
2. Хорижий мамлакатларда бошқарув назария ва амалиётининг ривожланиши
2. Маданият ва санъат соҳасида маркетинг.

Таянч иборалар: Илмий бошқарув, классик бошқарув, миқдорий, тизимли, замонавий бошқарув, инсон муносабатлари, марказлаштириши, меъёр, талаб, операцияларни нормалаштириши, ёзма стандарт қўлланмалар, унумдорлик учун рағбатлантириши.

2.1. Бошқарувнинг турли хорижий мактаблари классификацияси

Бошқариш назарияси асосини ташкил этган қонун-қоидалар хусусиятига боғлиқ равишда хорижий бошқарув мактаблари 4 гуруҳга бўлинади:

- “Илмий бошқарув” мактаби
 - “Классик (маъмурий бошқарув)” мактаби
 - “Инсон муносабатлари” мактаби
 - “Миқдорий, тизимли ёки замонавий бошқарув” мактаби
- “Илмий бошқарув”

- Хорижий бошқарув монополистик капитализм даврида вужудга келган. Унинг шаклланишидан олдин бошқарув вазифаларининг ажратилиши, унга хос бўлган бошқарув меҳнатининг тарқалиши, унинг махсус назарий асос яратилишига эҳтиёж ўсиши юз берди.

Бошқарув назариясини асосчилари Тейлор, Форд, Гильберт, Эмерсон, Файоль ва бошқалардир. Бошқарув назариясининг тарихан дастлабки йўналиши “классик” (анъанавий) мактаб номини олган. Бу мактабнинг вужудга келишида америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Фредерик Тейлорнинг хизмати катта. Тейлор хизмат поғонасининг барча даражаларини АҚШдаги Бестлегемдаги йирик металлургия корхонасининг кичик хизматчисидан бошқарувчисигача бўлган лавозимларни эгаллаган. У биринчилар қарорида ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнларини ташкил этиш ҳамда бутун корxonани бошқаришга илмий ёндошишни қўлади. Унинг “корxonани илмий бошқариш асослари”, “Бошқаришни илмий ташкил этишнинг тамойил ва усуллари”, “Саноат корxonаларини маъмурий-техникавий ташкил этиш” каби машҳур асарлари хорижда чоп этилган ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий ташкил этиш бўйича адабиётларнинг катта тўпламига асос солди. Тейлор меҳнат жараёнларини махсус функционал

бошқариш зарурлигини асослаб берди, жисмоний меҳнат билан бир қаторда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий унсурларга ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган томонидан ишланган схемада ўлда-жўлда, пала-партиш ишлаш мумкин эмаслиги, ҳар бир нарса олдиндан қилинган, ишнинг барча шартлари ва усуллари олдида аниқ, белгиланган бўлиши акс эттирилган.

Тейлор киши ақл-заковатига катта эътибор берган. Масалан, у корхона устаси куйидаги тўққиз сифатга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган:

- 1) Ақл-заковатга;
- 2) маълум маълумотга;
- 3) иш тажрибасига;
- 4) одобга;
- 5) ғайратга;
- 6) зийракликка;
- 7) халолликка;
- 8) тўғри фикр юритишга;
- 9) яхши саломатликка;

Шу билан бирга Тейлор бу сифатларнинг барчасига эга бўлган кишини топиш жуда мушкул эканлигини айтган. Кўпчилик фақат учта сифатга эга бўлади - улар оддий иш хақи тўланадиган ишга олиниши мумкин. Бу сифатларнинг тўрттасига эга бўлган киши нисбатан кўп ҳақ тўланадиган ишга олиниши керак. Бешта сифатни ўзида жам этган кишини топиш анча мушкул, олти, етти, саккиз сифатга эга кишини топиб бўлмайди. Агар юқорида санаб ўтилган тўққиз сифатга эга бўлган киши топилса, уни уста лавозимига эмас, бошқарувчи лавозимига қабул қилиш лозим. Тейлор айниқса иш жойларини ташкил этиш. Ишлашнинг мақбул усулларини танлаш, аниқ вазифаларни белгилаш, кишиларни тўғри танлаш ва ишга кўйишга алоҳида аҳамият берарди. У томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича қатор тавсиялар ишланган. Масалан, у бошқариш бўйича фаолиятнинг 8 та вазифасини ажратиб кўрсатган:

1. Ишларни бажариш ва тақсимлаш тартиби;
2. Чизмалар ва қўлланмаларни тузиш;
3. Вақтни меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш;
4. Интизомга риоя қилиш;
5. Иш услубларини белгилаш;
6. Ускуналар иш тартибига риоя қилиш;
7. Ускуналарни таъмирлаш ва сақлаш
8. Сифатни назорат қилиш.

Тейлорнинг функционал бошқарув тизими ҳозирги даврда саноатда қўлланмасда, бошқариш жараёнини функционал тақсимлаш ғоясидан бошқаришнинг тартибли (линейний) тизимидан ҳам фойдаланади. Тейлор маъмурият ва таъминловчи ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлаб, бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва

бошқаришнинг муҳим тамойилларидан бири эканлигини айтган. У ижтимоий демагогия усулларини инкор этмай, улардан фойдаланишни тавсия қилган. У ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида “синфий ҳамжихатлик”ни таъминлаш, улар ўртасида мунозарага йўл қўймаслик заруриятига таянган ва уни бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Тейлор фикрига биноан, бундай вазифани фақат илмий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими - бошқарув назариясигина ҳал этиши мумкин.

Тейлоризм илмий бошқарув ҳаракатини бошлаб берди. Бу ҳаракат АҚШни қамраб олиб, бошқа капиталистик мамлакатларга ҳам ёйилди. Тейлор тизими илмий бошқарув ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиётни бошқариш соҳасининг яна бир йирик назариётчиси- Гаррингтон Эмерсон (1853-1931) эди. У “Унумдорликнинг ўн икки тамойили” асарини ёзиб, бу асарда у биринчи бўлиб инсон фаолиятини мақбуллаштиришга қарашлар тизимини баён қилиб берди. Эмерсон қуйидаги тамойилларга асосланган максимал меҳнат унумдорлигига эришиш усулини ишлаб чиқди.

1. Аниқ белгиланган ғоя ва мақсадлар;
2. Ақли расолик;
3. Асосли маслаҳат;
4. Қатъий интизом;
5. Ходимларга нисбатан адолатли муносабат;
6. Марказлаштириш;
7. Тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқ ва доимий ҳисоб;
8. Меъёр ва тартиб;
9. Шароитни нормаллаштириш;
10. Операцияларни меъёрлаш;
11. Ёзма стандарт қўлланмалар;
12. Унумдорлик учун рағбатлантириш.

Ўз хулосаларига қўшимча қилиб бошқариш услубини баён қилиш билан муаллиф классик концепцияга салмоқли хисса қўшди.

Саноат корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ўрганган яна бир америкалик иқтисодчи Гамильтон Черч (1866-1936) ўз диққат эътиборини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларига қаратди. Америкалик бошқа назариётчилардан фарқли Г.Черч тайёр қонун - қоидаларни тавсия қилмаган. У барча саноат корхоналарини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларини белгилаб берди, бошқарувнинг умумий вазифалари билан уни ташкил этиш тамойилларини кўрсатиб берди. Ўзининг «ишлаб чиқаришни бошқариш асослари» китобида у бошқариш вазифаларининг қуйидаги классификациясини баён қилиб берган: лойихалаштириш, ускуна билан таъминлаш, буюрувчилик, ҳисоб ва амалга

ошириш. Г.Черч китобининг айрим назарий қоидалар ҳозирги даврда ҳам илмий ва амалий қимматга эгадир.

Илмий бошқарув ривожланишига ҳисоб ва режалаштиришнинг чизма усулини ишлаб чиққан Генри Гант (1861-1919) ва ишини мақбуллаштириш учун стандарт ҳаракатларни қўллаб айрим ишларни бажариш усуллариини таклиф этган Френк Гильберт (1868-1924) салмоқли хисса қўйганлар. Шунингдек бошқарув назариясига Француз муҳандиси Анри Файоль муҳим хисса қўшган, у бошқарув вазифалари мақбуллаштириш - олдиндан кўра олиш, ташкил этиш, буюриш, келишув, назорат қилишга тенглаштирган 1916 йилда унинг «Умумий ва саноат бошқаруви», 1924 йилда «Меҳнатни илмий ташкил этиш» ва «Ижобий бошқарув» асарлари чоп этилди. Генри Форд ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришнинг ташкилий-техникавий тамойилларини яратган. Фордизм фақат бошқарув техникаси ва ташкил этиш ривожланишида эмас, балки меҳнат унумдорлиги ўсишида ҳам янги босқич бўлди. Форд ҳам Тейлор сингари кам ҳаражат билан юқори меҳнат унумдорлигига эришишни мақсад қилиб қўйган бўлсада, унга бошқа йўл билан эришишга ҳаракат қилди. Тейлор инсон меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор берган бўлса, Форд техника, технология, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга эътибор берган.

Шундай қилиб, Тейлор ва унинг издошлари буржуа бошқарув назарияси ривожланишининг бошқарув концепцияси вужудга келган XIX-XX асрлар чегарасидан асримизнинг 20-йилларигача давом этган даврни қамраб олган биринчи босқичи намоёндаларидир.

XX асрнинг 20-йилларидан бошқарув ривожланишининг йирик капиталистик ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асосланган янги босқичи бошланди. Назарийчилар Тейлоризмни нисбатан мослашувчан тизим билан алмаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар бошқаришнинг социологик ва психологик жиҳатларига эътибор бериб, уларни илмий бошқарув таркибига киритдилар.

Давлат ва иқтисодий бошқариш назариясининг айрим жиҳатлари шарқнинг иқтисодий ғоя ривожланишига хисса қўйган йирик аллома ва давлат арбоблари - Фаробий, Ибн Сино (IX-X аср), Хос Хожиб (XI-XII аср), Амир Темур, Ибн Холдун (XIII-XIV аср), Бобур, Алишер Навоий асарларида ёритилгандир.

2.2. Хорижий мамлакатларда бошқарув назария ва амалиётининг ривожланиши

Россияда бошқарув фани XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу даврда меҳнат ва бошқарув муаммоларига бағишланган ўнлаб журналлар, жумладан “бошқарувни ташкил этиш”, “Меҳнатни ташкил этиш”, “Бошқарув техникаси”, “Хўжалик ва бошқарув” каби ойномалар нашр қилинди, хорижий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув бўйича мутахассислар асарлари рус тилига таржима қилинди. 1921 йилда Марказий меҳнат институти ташкил этилди.

Бошқарув назария ва амалиётига катта хисса қўйган таниқли олим - Алексей Капитанович Гастев (1882-1941) эди. Унинг «қандай ишламоқ керак?», «Меҳнат меъёрлаш ва ташкил этиш» «Меҳнат қўлланмалари», «Маданият кўзғолони», «Ишлаб чиқаришни ММИ усуллари билан тартибга солиш» китоблари нашр этилди. А.К.Гастев раҳбарлиги остида ММИ да меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини ўрганиш, лойихалаш ва жорий қилиш, турли мутахассисликка эга ишчиларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг мақбул тизимини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. А.К.Гастев асарлари жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, у томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳозирги даврда ҳам долзарбдир. Меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқарув фанининг яна бир ташаббускори - Платон Михайлович Корженцев (1881-1940). П.М. Корженцев 1923-1924 йиллар давомида Бутун Иттифоқ меҳнатни ташкил этиш Кенгаши президиуми аъзоси бўлган ва «Правда» газетасида ишлаган. Бу фил - давомида у «Меҳнатни илмий ташкил этиш», «Ташкил этиш тамойиллари», «Вақт учун кураш», «Ўзингни ўзинг ташкил эт» сингари асарларини ёзди. П.М.Корженцев томонидан тавсия этилган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаш, меҳнат шароити, моддий воситалардан тўғри фойдааниш ҳақидаги таклифлар жуда долзарб эди.

Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш назариясига бу муаммо бўйича тадқиқот олиб борган П.А.Попов, О.А.Ерманский ва бошқалар ҳам салмоқли хисса қўйганлар.

2.3.Маданият ва санъат соҳасида маркетинг.

Маркетинг – бу бозорда самарали фаолият кўрсатишнинг мужассамлашишидир. Бу атама дастлаб 1902 йилда АҚШда пайдо бўлган, 20 йилдан кейин эса бу атамадан жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари фойдалана бошладилар. Маркетинг (маркетинг) “бозор билан боғлиқ фаолият” маъносини англатади. Лекин бу тушунчанинг маъноси жуда кенгдир.

Маркетинг – айирбошлаш йўли билан эҳтиёж ва талабларни кондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир.

Дунё амалиётида маркетинг бирданида пайдо бўлган эмас. Бу – ишлаб чиқариш ва сотишнинг мақсади, вазифалари ва ривожланиш услубларига менеджерларнинг кўп йиллик эволюцион қарашлари натижасидир.

Маркетинг – мураккаб динамик кўп қиррали тушунчадир, бу эса маркетинг тамоман универсал тавсиф бериш мумкин эмаслигидан далолатдир. Сўнгги йилларда чоп этилган маркетингга доир адабиётларда маркетингнинг жуда кўп таърифлари берилган. Улардан баъзи бирларини келтиришни лозим топдиқ.

Таниқли Америка олими – маркетинг Ф.Котлер маркетингнинг таърифини қуйидагича ифодалайди: Маркетинг – товарларни яратиш, таклиф

этиш ва айрибошлаш асосида айрим олинган киши ва гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иқтисодий ва бошқарув жараёнидир.

Бошқарув муаммолари бўйича этакчи назарийчи олимлардан бири Петер Друккернинг таърифи эса қуйидагича: Маркетингнинг мақсади сотишга қаратилган ҳаракатларини йўқ қилишдан иборатдир. Унинг мақсади харидорларни шундай ўрганиш ва тушунишдан иборатки, товар ва хизматлар унинг талабига айнан мос тушиб, пировардида ўзини-ўзи сотади.

Француз маркетинг мактабида қўлланиладиган таъриф ҳам Петер Друккер таърифига жуда яқин туради. Унга кўра : Маркетинг – бу сотишни таъминлаш ва сотувга товарлар ва хизматларни истеъмолчиларнинг талабига мос ҳолда чиқариш орқали уларнинг талабини қондириш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Америка Маркетинг Ассоциясиясининг 1985 йилда маркетингга берган таърифи эса қуйидагича: “Маркетингнинг моҳияти инсонлар ва ташкилотлар талабини қондириш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати ва сотилишни юштиришдир ”.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики маркетинг серкирра жараёндир. Шу билан бир қаторда маркетинг юозор муносабатлари субъектларининг бизнес фалсафаси, фикрлаш стратегияси ва тактикаси фаолияти экан десак хато қилмаган бўламиз. Демак, маркетинг бир вақтнинг ўзида ҳам мушоҳада ва ҳам ҳаракат жараёни экан. Ҳозирги бозор иқтисодиёти юқори даражага кўтарилган мамлакатларда маркетинг тамойиллари оддий товар ишлаб чиқаришдан бошлаб то мураккаб технологиягача бўлган жараёнларда яққол кўринмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти тоборо чуқурлашиб бораётган шароитда фирмалар, корхонлар ва бошқа бозор субъектларининг рақобатга бардош бериб, самарали фаолият кўрсатишининг бирдан-бар йўли маркетинг имкониятларидан кенг фойдаланиш эканлиги ҳеч кимга шубҳа туғдирмайди.

Машҳур иқтисодчи Адам Смит XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ ўзининг “Жамият бойлиги” номли китобида ишлаб чиқарувчининг истеъмолчининг талабини қондиришдан бошқа қайғуси йўқдир – деб ёзган эди.

Маркетинг атамаси Америка Кўшма Штатларида XIX асрнинг бошларида вужудга келди ва 50-йиллардан бошқарувнинг этакчи омили сифатида қўлланила бошлади.

Маркетинг XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида харидор талабини қондиришга мўлжалланган, корхоналарнинг ишлаб чиқариш – сотиш , савдо фаолиятларини ташкил қилиш ва бошқариш тизими сифатида пайдо бўлган. Ишлаб чиқариш ва умуман хўжалик юритишга маркетинг нуқтаи назаридан ёндашиш харидорга таъсир қилишнинг хўжалик жабҳаларини ўз ичига олади. Бу бозор учун бўлган рақобат курашининг ўзага хос хусусиятларини аниқлашга олиб келади. Бозор доирасида сабаб-натижа алоқаларини таҳлил

қилишнинг махсус усуллари қўллаб , харидорлар талаби эҳтиёжи, диди ва таъби тўғрисида ахборотлар топиб, корхона ва ташкилотлар, маркетинг концепцияси у ёки бу товарга ва хизматга харид қизиқишини шакллантириш учун иқтисодий , ташкилий техник ва ижтимоий йўналишларни ташкил қилади. Улар талабни мумкин бўлган ривожланиш истиқболини аниқлайдилар, уни мақсадли йўналишини шакллантириш учун қарорлар қабул қиладилар ва кўрилган тадбирлар самарадорлигини албатта назорат қиладилар. Харид масалага маркетингли ёндашишдаги ҳар томонлама таҳлилнинг ўзига хослиги, бозодаги юз берадиган жараёнларни ҳисобга олишгина эмас , балки ишлаб чиқариш корхоналари, товарларни етказиб берувчи воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари, товарларни етказиб берувчи воситачилари улгурчи ва чакана савдо корхоналари ва улар билан боғлиқ бошқа барча ташкилотларнинг бозор бўғинлари тизимидаги оператив ва узоқ вақтга мўлжалланган аниқ мақсадларини ўзгаришини таҳлил қилишдир. Маркетинг хўжаликнинг маълум бир тармоғига масалан ишлаб чиқаришга ёки савдога таълуқли деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. У бозорга хизмат кўрсатувчи барча хўжалик субъектларини ўз ичига олади ва улардан биргаликда ва яхлит фойдаланилганда, биргаликдаги фаолиятнинг сўнгги натижаси учун умумий стратегик йўналиши мавжуд бўлган ҳолдагина унинг восита ва усуллари самарали натижа беради.

Бизнинг иқтисодиётимиз шароитларида келиб чиққан ҳолда, бундай натижалар қуйидагилар бўлиши мумкин: бозор ва миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиққан ҳолда истеъмол товарлари шакллантириш, бозор талаблари нуқтаи назаридан миллий иқтисодиётни иқтиқболини аниқлаш ва ҳақозолар. Маркетингли ёндашиш, марказдан туриб бошқариш ва режалаштиришдан нима фарқ қилади? Бунда корхона ва ташкилотларнинг иш амалиётида бозор талаби умуман ҳисобга олинмас эди. Маркетинг эса сотиш учун таклиф қилинаётган товарнинг ҳам, унга алмашинадиган ва аҳолининг турлича бўлган табақаларининг даромадларининг даромадлари асосланган пул оқимининг ҳам аниқ манзили бўлишини талаб қилади.

Маркетингли қарорлар қабул қилиш корхоналардан бозорга мумкин қадар мослашишни ва давлат иқтисодий сиёсатида тўлиқ жавоб бериш билан бирга, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва фойдалилигини ошириш, меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорликни оширишга асосланган, ўзининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни ҳар вақт талаб қилади. Нима учун бундай қол содир бўлади? Гап шундаки, маркетингли ёндашувда қиймат қонуни ва товар ишлаб чиқаришнинг бошқа иқтисодий қонунлари қатъий амал қилади. Ана шу асосида фақат бозордагина товар-пул алмашувини таъминлайди. Ишлаб чиқилган моддий бойликлар пул эквивалентида алмаштирилмас экан, ижтимоий такрор чиқариш тугалланган ва тўлиқ бўлмайди ва янги ишлаб чиқариш даври тсикли бошланиши ўз-ўзидан мумкин эмас. Энг кам хом-ашё, материаллари, меҳнат ва молия ресурслари сарфи билан талабни кўпроқ,

тўлароқ қондиришга имкон берадиган маркетинг стратегиясининг маъноси ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маркетинг усулларида фойдаланиш корхона манфаатлари ва мақсадларини жамият мақсадлари ва манфаатлари билан бирлаштирилади, иқтисодий тараққиётга микро ва макроиқтисодий ёндашув бирлигини таъминлайди.

Республикамиз ўзининг ижтимоий мақсадлари ва иқтисодий дастурларини фақат бозор механизми орқалигина амалга ошириш мумкин. Бунга бизни кейинги вақтдаги товар пул муносабатлари ва бозор иқтисодиётининг ривожига ҳам ишонтирмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари амал қилган шароитда миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлмиш корхона ва бирлашмаларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятлари кенгайди, уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар сифатида роли ошади.

Маркетинг талабни қондиришга қаратилган фаолият бўлибгина қолмай, балки талабга таъсир ҳам қилишдир. Хўш, бу таъсир қандай бўлиши керак, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш ва янги талабни вужудга келтириш керакми? Маркетинг фаолиятининг бу аниқ мақсадларини – бозорда мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олиш билан, харидорлар қизиқиш даражаси билан, корхонанинг ўз иқтисодий ва ижтимоий вазифалари билан, у ёки бу бозорга кириши билан аниқланади. Шундай қилиб, талаб маркетинг мақсадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради.

Маркетинг моҳиятини англашда унинг энг ҳарактерли томонларини тушуниб олиш керак: унинг асосий субъектлари, маркетинг муносабатларининг иштирокчилари ким, маркетинг нималар билан ишлайди, унинг объектлари қандай, у қандай вазифаларни ҳал қилади, ва унинг функциялари ва тамойиллари нималардан иборат?

Назорат саволлари

1. Маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти нимадан иборат.
2. Маркетингнинг мақсади ва вазифалари.
3. Қандай талаб турларини биласиз.
4. Маркетинг турларини изоҳлаб беринг.
5. Ремаркетинг нима ва унга мисоллар келтиринг
6. Демаркетинг нима ва унга мисоллар келтиринг
7. Маркетингнинг асосий мақсадларини айтинг.
8. Маркетинг типларининг асосий фарқли белгилари нималардан иборат.
9. Келтирилган констсептсиялардан қайси бири, фикрингизча, узок муддатли муваффақиятни таъминлаши мумкин.
10. Янги шароитларда яшаб қолиш ва муваффақиятга эришиш учун корхоналар қандай чора-тадбирларни қўллаши керак.

Таянч иборалар.

Маркетинг, бозор, айрибошлаш, эҳтиёж, истеъмолчилар, товар, талаб, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати, бизнес фалсафаси, ишлаб чиқариш, савдо фаолиятлари, товарлар рекламаси, хизматлар маркетинг концепциялари, маркетинг эволюцияси, маркетинг субъектлари, объектлари, маркетинг турлари.

Адабиётлар:

- 1.С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
1. Селевко С.Современные образовательные технологии,Москва.1998.- 75-90 с.
2. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
3. Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма.Т,ТДИУ.-2007.71-74
4. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
5. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
6. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.
7. Йўлдошев Ж, ,Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
8. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
9. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», 2010.
- 10.Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006
- 11.Саидахмедов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси – Т.: ХТБ РТМ, 1999
- 12.Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. нашр, 2003
- 13.Войе Ҳаралд, Якобсон Уве. Рыночная экономика. Общество, предприятие, потребитель (в 15 книгах). М: Внешнеторгиздат, 2000.
- 14.Дейл Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей, Выступая публично. М.: Прогресс,
- 15.М.Шарифхўжаев, Я.Абдуллаев. “Менежмент” Ўқитувчи 2002 й
- 16.Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. “Менежмент асослари”. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
- 17.<http://www.dis.ru/manag/index.html>

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1 -Амалий машғулот

Амалий машғулот мавзуси: Очiq дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.

Амалий дастурий воситалар:

Режа

1. Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш
2. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари
3. Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш

амалий иш топшириғи:

Амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш

амалий иш топшириғи:

Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.)

амалий иш топшириғи:

Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш

Ўқув материалларини тақдим этишнинг замонавий воситалари:

- ўқув адабиёти
- нашр ўқув адабиётлари
- дарслик
- ўқув қўлланма
- ўқув адабиётининг электрон шакли
- маърузалар матнининг электрон версияси
- электрон дарслик

Ўқув қўлланма: ўқув нашри, ўқув тартиблари тизими ёки унинг бўлими, қисми.

Электрон дарсликлар қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши зарур:

- Ўргатувчи қисм – гипертекстга асосланган ва статик, динамик расмлардан иборат.
- 2. Машқ қилдирувчи қисм – хатоларни кўрсатиб берувчи ва тўғри хулосага олиб келувчи.
- 3. Назорат қилувчи – тестлар орқали назорат қилувчи тизим асосида шаклланади.

2 -Амалий машғулот

Амалий машғулот мавзуси: Амалий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий авдабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10- минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2. Гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларда ишлаш қоидалари билан танишадилар “беш минутли эссе” технологияси (2-илова).	1.2.Саволга оғзаки жавоб берадилар.

2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Амалий топшириқни бажаринг!” (3-илова)	2.1. Саволларга оғзаки ва ёзма жавоб берадилар
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3.Хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича “Концептуал жадвал” тўлдириш	2.3.жадвал тўлдирилади
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулоҳаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари.

Таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотининг тузилиши	1.Амалий машғулотга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларда педагогик назорат турлари ва уни ташкил этиш шакллари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш
<p style="text-align: center;"><u>Педагогик вазифалар:</u> 1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтириш.</p> <p style="text-align: center;">2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустаҳкамлаш</p> <p style="text-align: center;">3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш;</p> <p style="text-align: center;">4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;</p>	<p style="text-align: center;"><u>Ўқув фаолиятининг натижалари:</u></p> <p style="text-align: center;">1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтиришади.</p> <p style="text-align: center;">2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустаҳкамлаш</p> <p style="text-align: center;">3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади;</p> <p style="text-align: center;">4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади;</p>
Ўқитиш усуллари	Суҳбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Манииторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

3 -Амалий машғулот

Амалий машғулот мавзуси: Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалнинг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киратади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча хусусиятларни ажратиш мумкин:

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:

- 1.Блок. Кириш назорати- янги мавзунини ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
- 2.Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
- 3.Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
- 4.Блок.Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

- 5.Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.
- 6.Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
- 7.Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.
- 8.Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

1 - илова

Ўз фанингиз доирасида бир мавзу юзасидан электрон модул яратинг.

2- илова

Блиц-савол

1. Ўқув қўлланма ва дарсликнинг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд?
2. Дарсликка қўйиладиган талаблар ?
3. Ўқув – услубий қўлланма қайси меъёрий ҳужжатлар асосида тузилади?
4. Электрон модулнинг таркибий қисмларини санаб беринг.
- 5.Ихтиёрий танланган мавзуга доир тавсия этилувчи адабиётлар рўйхатини шакллантиринг

5-илова

Мутахассислик фанингиз доирасида тайёрланган дидактик материалларни таҳлил қилинг ва яна қандай дидактик материаллар тайёрланиши лозим деб ҳисоблайсиз ?

4 -Амалий машғулот

Амалий машғулот мавзуси: Талабаларнинг билиминини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

1- Илова

Ўз фанингиз доирасида жорий назорат 40 баллик тизимида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг

Буни бажаринг _____

1. Муаммоли вазиятда ўз хатти ҳаракатингизни изоҳланг (вазият 1) _____
2. Ҳозирда қўлланилаётган талабалар билимини баҳолаш мезонларини таҳлил қилинг _____
3. Таълим жараёнида педагогик назоратнинг қандай шаклларидан фойдаланасиз? Нима учун ? _____
4. педагогик назоратни талаб даражасида ўтказишингиз учун муассасангизда қандай шароитлар бўлишини хоҳлардингиз (изоҳланг) _____

Назорат турлари - ёзма иш ва тестни қиёсий таҳлилини вен диаграммасида ишлаб чиқинг.

АССИСИМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисимент” лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўрганиш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз –ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисиментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.



Тест

«баҳо»бу -

- 1) Талаба томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакаларнинг таълим мақсадига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.
- 2) Ўқитувчининг талаба ҳақида шахсий фикрининг ифодиси
- 3) Талабанинг ахлоқий нормаларга жавоб бериш даражаси
- 4) Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш



Муаммоли вазият

- Дарс жараёнида эшикдан декан муовини кириб келди ва сизни зудлик билан декан хузурига чақираётганини айтди. Мавзу жуда қизиқарли. Сиз дарсни кичик гуруҳларда ўтмоқдасиз. Сизнинг ҳатти – ҳаракатингиз...



Тушунча таҳлили

- Педагогик назорат бу...



Қиёсий таҳлил

- Иш юритаётган муассасангиздаги баҳолаш мезонларини хорижий олий таълим муасссаларидаги баҳолаш мезонлари билан таққосланг

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» - аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» - ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	^ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ^ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ^ ахборотни умумлаштириш; ^ ахборот таҳлили; ^ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	^ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ^ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ^ асосий муаммоли вазиятни
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	^ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ^ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ^ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ^ муқобил

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Ижтимоий-маданий фаолият- жамият аъзоларини ижтимоий-бирлашуви асосида жамият қонуниятлари, кадриятларини маданий ўзлаштириш, жамият аъзоларини маданий эҳтиёжларини қондириш ва онг тафаккур ислоҳотларини кечишига йўналтирилган узлуксиз фаолият тизимини ташкил этган жараён

Ижтимоий маданий фаолият - Россиялик профессор В.В.Туэв фикрича бошқариладиган жамият ва унинг ижтимоий институтлари таъсирида инсонларни маданийлаштириш жараёнидир ҳамда ушбу жараённинг асосий иштирокчиси инсондир.”

Ижтимоий - бу кишилик жамияти, унинг ҳаёти ва қонуниятларига оид, бирор ижтимоий табақа,синфга оид, жамиятга, жамоатчиликка оид, жамиятнинг, омманинг маънавий-маърифий эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда хизмат этишга алоқадорликдир.

“**Ижтимоий** – атамаси арабча бўлиб, “якдиллик”, “ҳамкорлик” маъноларини англатади”.

“**Ижтимоий**” сўзи гуруҳга, жамоага оид сўз бўлиб кўпинча якка ҳолда қўлланмай маълум бир сўз билан қўлланади. Масалан: Ижтимоий гуруҳ, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳамкорлик ва ҳоказо.

Маданият арабча «мадина» (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга бўлиб, бирини бадавий ёки саҳройи турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик бу кўчманчи ҳолда чўл саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик эса шаҳарларда ўтроқ яшаб, шаҳарга хос турмуш тарзида яшовчи халқларга нисбатан ишлатилган.

Маданий- атамаси бу маданиятга оид, маданиятга хослик билан характерланган.

Фаолият -бу бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат, жараён. “**Фаолият** сўзи — кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири”. Фақат фаолият замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин. Инсон ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фаолият шакллари, асосан, қуйидагича туркумлаштирилади:

Моддий фаолият. Бунда инсоннинг ўз хавфсизлиги таъминланиши, озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган дастлабки эҳтиёжларининг қондирилиши ва меҳнат қуроллари орқали ташқи табиатнинг ўзгартирилиши тушунилади;

Ижтимоий-сиёсий фаолият бу - ижтимоий муносабатларга, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиш;

Маънавий-фаолият - эса илм-фан, санъат, дин, бадий ижод ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Ижтимоий-маданий фаолият ҳам айнан фаолиятнинг мана шу туркумига киради.

“**Ижтимоий-маданий фаолият** – аҳолини маънавий камол топтириш, маданий савиясини ошириш, билимини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, бўш вақтини самарали ўтказишга кўмак берувчи ижодий-ташкилий ишлар мажмуасидир

Миллий қонунчилик – халқнинг миллий манъфаатларини ифодаловчи миллий қонун қабул қилиш механизми. Бу борада Ўзбекистон Республикасида миллий парламентаризм шаклланган. 2006 йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий - маърифий ва тарғибот - ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора - тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-317 сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий - ғоя тарғиботи ва маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2006 йил 25 августдаги ПҚ - 451-сонли қарори

1997-йил 27-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360 сонли қарори .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ-3154-сонли фармони

2011 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуни

Вазирлар Маҳкамасининг “2011- 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 27 февраль 8-сонли ва «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашининг 2012 йил 27 февраль 01-04/14-сонли қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари Низоми .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.06.2012-йилдаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори.

Матбуот -оммавий ахборот ва ташвиқот (тарғибот)нинг асосий воситаларидан бири — ижтимоий ва сиёсий кураш, маърифат, илмий билимларни тарқатиш, маданиятни ривожлантириш, дунёқарашни шакллантиришнинг қудратли қуроли бўлган рўзнома ва журналлар каби вақтли нашрлар.

Монумент — бирор муҳим воқеа ёки улуғ кишилар шарафига кўрилган катта архитектура (меъморий) иншооти, хайкал.

Музей — фаолиятнинг асосий шакли экспозиция ва кургазмалардан иборат бўлган тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва кенг омма ўртасида билимларни тарғиб қилиш билан шуғулланадиган илмий, илмий-маърифий муассаса, маданий-тарихий, табиий-илмий кадриятларни йиғувчи ва улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида, тарғиб қилувчи ижтимоий институтдир

Мушоира — шоирлар мусобақаси, тортишуви. Мушоира адабий анъанага кура икки шоир ўртасидаги шеърини айтишувдан иборат бўлиб, унда шоирларнинг ҳрзиржавоблик махррати равшан намоён бўлган.

Театр — 1. Актёрларнинг сахнадаги хатти-харакатлари ва сўзлари воситаси билан ҳаётни, ҳаётини ходисаларни бадиий ифодаловчи санъат тури. 2.Шундай томошалар кўрсатиш билан шуғулланувчи муассаса. 3. Театр томошалари қўйиладиган бино (майдон).

Телевидение — ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини электр ва радио алоқа қурилмалари ёрдамида узокка узатиш, узокдан кўриш ва унинг воситалари.

Туризм - дунёни куриш, билиш, ўрганиш ва дам олиш мақсадида қилинадиган сайр-саёҳат.

Экскурсия - музей, диққатга сазовор жойлар, кўргазмалар ва шу қабиларни жамоавий равишда бориб кўриш, илмий, спорт ёки кўнгил очиш мақсадидаги саёҳат, сайр.

Экспозиция - бадий асар сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берувчи ўрин-жой, асар қаҳрамонларининг характери шакллантирувчи ижтимоий муҳит ва шарт-шароит кабилар тасвирланади. Экспозиция бадий асар композициясининг компонентларидан бири сифатида ижодкорнинг мақсадига бўйсинган ҳолда турлича ўринда ва характерда берилиши мумкин. Масалан, А. Каххорнинг "Анор" хикоясида Туробжоннинг ҳовли ва уйи тасвири экспозициясини ташкил этади.

Этнография — тарих фанининг халқларнинг таркиби, уларнинг урф-одати, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини ўрганадиган бўлими.

Аттракцион -1. Муайян ғоя ва мазмун асосида бир-бири билан боғланган сирк томошалари дастури. 2. Истироҳат боғларида болаларнинг кўнгил очишлари учун кўрилган мосламалар (чархпалак, кема, арғимчоқ ва шу кабилар).

Аудио-видео материаллар- эшитиб ёки куриб идрок қилишга мўлжалланган материаллар ва қурув қўлланмалари.

Афиша - спектакллар, концертлар ва бошқа тадбирлар, томошалар тўғрисида хабар берувчи, кўзга кўринарли жойларга ёпиштириладиган махсус эълон.

Байрам *Туркча* «тўймаросим, хурсандчилик, шодиёна», қадимги яҳудий (др.эвр.) тилида «хачхачат» – рақсга тушмоқ, *лотинча*. фестивал – «байрамон» деган маънони англатади.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсульмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. - Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

1. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари - Т.: 2006 й. 163 б.
2. Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма.Т,ТДИУ.-2007.71-74
- 3.Чичерина Я., Нуркельдиева Д.,Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Фан ва технологиялар, 2013 й.

4. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
5. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Art marketing. - Paperback Germany, 2004.
- 6.С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЕОТАР-Медия» 2008 43 с.

Интернет сайтлари:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.ziyonet.uz.
4. www.edu.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.bimm.uz
7. www.mrdi.uz
8. www.dsmimarkaz.uz